



Ислом Нури

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мунофиқларга энг оғир намоз – ҳуфтон ва бомдод намозларидир. Агар бу икки намозда қандай савоб борлигини билишганида эди, эмаклаб бўлса-да келган бўлишар эди. Хоҳлардимки, буюрсам, намозга такбир айтилса, сўнгра бир кишини одамларга имом бўлиб намоз ўқиб беришга буюрсам, – ўзим эса – боғ-боғ ўтин кўтарган одамлар билан биргаликда жамоат намозига келмаётган кишиларнинг уйларини ёқиб юборсам»,

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мунофиқларга энг оғир намоз – ҳуфтон ва бомдод намозларидир. Агар бу икки намозда қандай савоб борлигини билишганида эди, эмаклаб бўлса-да келган бўлишар эди. Хоҳлардимки, буюрсам, намозга такбир айтилса, сўнгра бир кишини одамларга имом бўлиб намоз ўқиб беришга буюрсам, – ўзим эса – боғ-боғ ўтин кўтарган одамлар билан биргаликда жамоат намозига келмаётган кишиларнинг уйларини ёқиб юборсам»,

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Хурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир кўзи ожиз киши келиб: «Ё Расулаллоҳ, мени масжидга етаклаб келадиган одамим йўқ» деб, Расулуллоҳ соллаллоҳу

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Хурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир кўзи ожиз киши келиб: «Ё Расулаллоҳ, мени масжидга етаклаб келадиган одамим йўқ» деб, Расулуллоҳ соллаллоҳу



Ислом Нури

алайҳи ва салламдан уйида намоз ўқишга рухсат сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга рухсат бердилар. Эндигина бурилиб кетаётган эди, ул зот уни чақирдилар ва: «Намозга айтиладиган азонни эшитасизми?», деб сўрадилар. «Ҳа», деб жавоб берди. «Ундай бўлса ижобат қилинг (яъни, жамоатга келинг)», дедилар.

Анху деди: «Ким эртага Аллоҳга мусулмон ҳолатда йўлиқишни истаса, (азон айтилиб) чақирилаётган мана бу намозларни (масжидда жамоат билан) адо этсин. Чунки Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳис-саломга ҳидоятга бошловчи йўлларни берган, намозлар ҳам ҳидоятга бошловчи йўллардан. Агар сизлар жамоатга келмайётган анави кимсага ўхшаб намозларни уйларида ўқисангиз, Пайғамбарининг суннати тарк қилган бўласиз. Агар



Ислом Нури

Пайғамбарингиз суннатини тарк қилсангиз, шубҳасиз, адашиб кетасиз. Қай бир киши таҳорат олса ва таҳоратини чиройли қилса, сўнг масжидлардан биронтасига йўл олса, Аллоҳ таоло унга ҳар бир босган қадамига биттадан савоб ёзади, бир даража юксалтиради ва битта гуноҳини ўчиради. Дарҳақиқат, бизнинг давримизда жамоат намозидан фақатгина мунофиқлиги маълум бўлган мунофиқларгина қолар эди. Ҳатто, бир (касал) одамни икки киши суяб олиб келишиб, сафга тургизиб қўйишарди».

Шарҳ:

Намозни жамоат билан ўқишда улкан манфаатлар борлиги учун Аллоҳ таоло жамоат намозини вожиб қилди. Жамоат намозининг вожиблигига ва уни масжидларда адо этиш вожиб эканига далолат қилувчи ҳадислар жуда кўп. Шунинг учун ҳам ҳар бир мусулмон Аллоҳ ва Расулининг амрига итоат қилиб ва мунофиқларга ўхшаб қолмаслик учун намозларни жамоат билан масжидларда адо этишга қаттиқ аҳамият бериши лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Эркак кишилар учун жамоат намози вожиб.
2. Жамоат намозига чиқмаслик мунофиқларнинг аломатларидан ҳисобланади.